



# Ishonch

Ўз бурчини  
бажаришдан  
мамнун  
одамгина  
эркин  
яшайди.  
ЦИЦЕРОН

Ўзбекистон касба уюшмалари Федератсияси газетаси

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

## 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни




Хотира, хотирлаш ҳақида гапирар эканмиз, бу тушунчани қадрлаш тушунчасидан ажратиб бўлмайди. Ҳақиқатан ҳам, бу ёруғ кунларга нима ҳисобидан эришганимизни, бу йўлда қандай оғир курашлар, азоб-уқубат ва йўқотишлар бўлганини, қанчадан-қанча одамлар уруш майдонларида азиз жонини қурбон қилганини англамасак, тушунмасак, буни ҳаётимизни, мусоффо осмонимизни, тинч ва оқсуда ҳаётимизни англаш, унинг қадрига етиш қийин бўлади.

Ислом КАРИМОВ

### Мусохаба

Ўтганлар руhini ёд этиб, тирикларга меҳр-оқибат кўрсатиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Хотира ва қадрлаш куни халқимизга хос эзгу фазилатлар ҳар қачонгидан-да ёркинроқ намоён бўлади. Миллий қадриятларимизнинг ёркин намоёнишига айланган бу байрамда юртимизнинг барча гўшаларида элимизнинг мард фарзандлари хотираси яна бир қарра ёлға олинди. Пирни бадавлат нуронийларимизга ҳурмат-эъзоз кўрсатилади. Зеро, халқимизнинг «Кариси бор уйнинг париси бор» деган нақли ҳам кексаларга муносабатимизни аниқлатади. Мамлакатимизда ёши улуг инсонларга кўрсатиладиган ғамхўрлик тўғрисида «Нуроний» жамғармаси Марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Шухрат УСМОНОВ куйидагиларни гапириб берди:



## Эъзоз

### учун ташаккур

— Бугун юртимизда 3 миллионга яқин пенсионер, жумладан, 12 миңдан зиёд иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва ногирони, 185 миң нафар фронт ортида меҳнат қилганлар, 30 миң нафар ўзгалар парваршишга муҳтож ёлғиз қария, 2213 нафар юз ёшдан ошган мўтабар отахон ва онахонларимиз истиқомат қилади. Давлатимиз томонидан уларга зарур моддий, маънавий ва тиббий ёрдам кўрсатиш кўлами йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бугун ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, қарияларга ғамхўрлик ва эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Ватанимиз шаъни ва озодлиги учун жонини фидо этган юрдошларимиз хотирасини абадийлаштириш мақсадида МДҲда биринчи бўлиб 1995 йили Президентимиз ташаббуси билан 34 хилдан иборат «Хотира» китоби нашр этилди. Кейинроқ унга қирмай қолган 3725 нафар ҳалок бўлган ва бедарак кетган ватандошимиз номи аниқланиб, 2008 йилда нашр этилган китобга киритилди. Китобнинг жами 36 жилди чоп этилиб, Ўзбекистондан иккинчи жаҳон урушида қатнашган 450 миң жангчининг номи абадийлаштирилди. Яқинда Президентимизнинг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармонида мувофиқ уруш ногиронлари ва қатнашчиларининг ҳар бирига 120 миң сўмдан пул мукофоти тантанали равишда топширилди. Жойларда давлат ва нодавлат жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда давра суҳбатлари ва учрашувлар байрамона руҳда ўтказилмоқда.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, март ойида бўлиб ўтган умумхалқ ҳайрия ҳаёрида 384 миң нафар нуронийимиз фаол иштирок этди. Афсуски, бугун уруш даҳшатларининг гувоҳи бўлганлар сони тобора камайиб бормоқда. Шу боис уларнинг соғлиғига жиддий эътибор қаратиб, алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш ҳар доим асосий вазифамиз бўлиб қолади.

«2007 — 2010-йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва

уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги дастурнинг ижроси бўйича кўп ишлар қилинмоқда. Хусусан, жойлардаги ижтимоий таъминот ва ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан 30 миң нафар ёлғиз қария дастурда белгиланган чора-тадбирлар билан қамраб олинди. Ўзгалар парваршишга муҳтож 24 миң нафар ёлғиз кексага ижтимоий хизмат кўрсатилди.

8 март ва Наврўз байрамлари арафасида 548 нафар ногирон Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг бошқармалари томонидан тиббий ортопедик хижозлар билан таъминланди. 64445 нафар уруш ва меҳнат фахрийси тиббий кўриқдан ўтказилди. Уларнинг 2514 нафари сийҳатхоналарда, 2424 нафари шифоналарда, 225 нафари Республика геронтология марказида саломатлигини мустақамлади.

«Нуроний» жамғармаси ҳисобидан 4656 кишига 59,3 млн. сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди. Саҳоватли юрдошларимиз ҳам бу ишдан четда тургани йўқ. Мисол учун, қашмилик фермер Эшмурод Зеватов Наврўз байрами муносабати билан 150 нафар кексага дастурхон ёзиб, соғвалар учун 2 млн. сўмдан зиёд маблағ сарфлади. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Қишлоқларда яшовчи ногирон ва пенсионерлар, ёлғиз қарияларга алоҳида эътибор қаратаймиз. Ёшлар ташаббуси билан тузилган «Ғамхўрлик» гуруҳлари уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиб келапти. Фаол нуронийларимизнинг махалла оқсоқоллари билан биргаликда уч авлод вакилларининг учрашувини ўтказиши аёнана тусини олган. Бу борда Мудфоа вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» жамғармаси ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилаймиз. Ёшларда ватанга муҳаббат туйғусининг шаклланишида бундай тадбирлар муҳим ўрин тутди.

«Ishonch» мухбири Шерзод АБДУСАМАНОВ ёзиб олди

### Тадбир

## Муқаддас бурч

Тадбир аввалида давлатимиз мадҳияси янгради. Ҳарбийларга кўзларини тикканча унғ кўлини кўксига қўйиб мадҳияга жүр бўлаётган болакай эътиборимни тортди. Юзида акс этган алланечук изтироб фўҳр, ҳавас ва иштиёқ соҳида қолиб кетаётгандек эди. Эҳтимол, ҳалок бўлган отасини ўйлаб бир зум ҳалға чўмгандир. Эғнидаги ҳарбий либос унга шу қадар ярашган-дики...

Бу лавҳа 7 май куни Тошкент давлат консерваториясида Ўзбекистоннинг ҲИМОЯ қилиш ҳамда хизмат вази-расини ба-жараётган

Ўзбекистон Бош прокуратураси матбуот хизмати бошлиғи Светлана Ортикова 2005 йилнинг 12 — 13-май кунлари Андижонда бўлиб ўтган террористик ҳаракатлар юзасидан тайёрланган «Жиноят ва жазо ҳақида ҳақиқатлар» ҳужжатли филмининг йилгиланган эътиборига ҳавола этаркан, қуйидагиларни таъкидлади:

— Андижон воқеалари содир бўлганига 4 йил тўлаяпти. Аммо у қалбларда қолдирган аччиқ хотиралар унутилгани йўқ. Етим қолган фарзандлар, дилбандини йўқотган ота-оналар кўнглидаги доғни кетказиб бўлармикан? Шундай фожеалар юз бермаслиги учун ҳушёр бўлайлик, ўз вақтида ватани учун жон фидо этганларнинг руҳини шод этайлик, уларнинг оила аъзолари, дилбандлари олдидаги қарзимизни унутмайлик.

Ўзбекистон қуролли қўчлари қошидаги ашула ва ракс дастаси хонандаси Дадахон Алиевнинг «Жонлар фидо Ватанга!» қўшиғи янграй бошлади. Арман миллий-маданий марказидан ташриф буюрган хонанда Армен Мирзояннинг шўҳ қўшиқлари тадбир иштирокчиларига хуш кайфият бағишлади.

Саҳнага чиқиб учун тайёргарлик кўраётган бир хил кийимдаги бола-лар билан суҳбатлашиш мақсадида

уларни саволга тутамиз.

— ИИБ қошидаги махсус мактаб-интернатнинг 8-синфида таҳсил оламиз, — дея жавоб қайтарди Шамсиддин Шамсиев. — Ҳозир гуруҳимиз билан қўл жанги бўйича тайёрлаб келган саҳна кўринишини намойиш қиламиз. Юртимизнинг жасур ва мард посбонларига ҳавасимизнинг ифодаси бу.

Бадий дустур намоийшидан сўнг тадбир ташкилотчилари томонидан ҳарбий фахрийлар ва терроризм оқибатида ҳалок бўлганлар оилаларига эсдалик соғвалари топширилди. Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан ИИБ қошидаги махсус мактаб-интернатда таълим олаётган болаларга берилган соғвалардан уларнинг кўнгли тоғдек кўтарилди. Фирқимизни уларнинг юз-кўзиди қувонч тасдиқлаб турарди.

Тадбир якунида кенгаш раиси Жория Алимуҳаева йилгиланган байрам билан табриқлади: — Юртимизимиз таъкидлаганидек, эл-юртимизнинг эрки ва озодлиги, бахт-саодати учун ҳаётини қурбон қилган ватандошларимиз хотираси ҳам-



ша барҳаётдир. Бундай инсонлар ҳамда уларнинг хотирасини ёд этиб, бугунги фаровон ҳаёт учун фидоийлик билан меҳнат қилаётган ҳар бир юрдошимиз билан фахрлансак арзийди. Ниятим — яхши кўнлар ҳаммамизга насиб этсин.

Дилдора РАҲМОНОВА, «Ishonch» мухбири Икром ҲАСАНОВ олган сурат

### Репортаж



Бугун пойтахтимизнинг қоқ марказида жойлашган Хотира хиббони ҳар доимгидан ҳам ғавжум. Баҳор таровати, тинимсиз ёққан ёмғир таъсиридан бу ердаги дов-дарахтлар чунонам яшилликка бурканганки, қурган кишининг баҳри дили очилади.

Мангу олов ёнидаги Мотамсаро она ҳайкали пойига турфа гуллар қўйилган. Унинг маънос сиймоси бу ерга кел-

ганларнинг ҳеч бирини бефарқ қолдирмайди. Бу санъат асарига зимдан боққан киши унинг меҳрибон қиёфаси, ғамгин нигоҳида ўз онасини кўргандек бўлади.

Узбек мейморчилигининг энг гўзал намуналари асосида қўли гул усталаримиз яратган нақш-шиноқор ёғоч пештоқлар эса хиббонга ўзгача салобат бағиш-лаб турибди. Ёғоч устунларда-ги сержилва нақшлар кўзни

хиёбонни унсиз айланаётганини кўриб, юрдошларимиз учун ўтганлар ёди нечоғлиқ қадрли эканлигини яна бир бор ҳис этасиз. Рўйхатдан ҳар ким ўз яқинларини, кимдир бобосини, кимдир қуролдош дўстини, яна кимдир энг азиз инсонининг исм-фамилиясини топиш иста-ғида қалин темир китобни се-кин-аста варақламақда.

Шунда набирасининг қўли-дан тутганча хиббонни айлана- унинг нигоҳидан берар саво-ларни ниҳоятда кўпчилигини ан-глаб олиш қийин эмасди.

Болакай Мотамсаро она ҳай-калга яқин келган, унга бироз тикилиб турди-да: «Бува, қаранг, бувимга ўшаркан», — дея жилмайиб қўйди. Йиллар синовида тобланган отахонни эса қалбидидаги уйғоқ хотиралар узоқ-узоқларга олиб кетди ше-килли, набирасининг ўшати-шига эътибор ҳам бермади.

қадар қадрли эканлигини ҳис қилсин... Отахоннинг шу гаплардан сўнг неғадир кўзи ёшланди. У дуога қўл очиб, юртимиз тинч, осойишта бўлишини тилаб, узундан-узоқ ниётлар қилди.

Шу пайт гўлдаста тутган бир гуруҳ ёшлар Мотамсаро она ҳайкали пойига келиш-ди. Уларнинг юз-кўзларида тинчлик аталмиш буюқ нҳъяматнинг ёркин ифодаси

Ташкент давлат педагогика университетининг биология факултети 1-курс талабаси: — Мангу олов ёнида туриб урушда шайх қотганларнинг меҳ-рини туйғандек бўламан. Ҳар гал зиёратта қолганимда сокин бог-нинг тароватидан руҳим енгилла-шади. Кўнглим таскин топади. Чун-ки бу ерда ота-боболаримнинг руҳлари бор. Уларга эҳтиром кўрсатиш мен учун, тенгдошлар-им учун ҳам қарз, ҳам фарз.

Феруза Нормуронова,

## Абадиятга дахлдор қадрият


қувнатади. Бу ерга келганларнинг ҳар бири ётган бовога кўзимиз тушиди. Бобоси ётовидида болакайнинг кўзлари қувончдан порлар,

Отахонни армонли хотира-лардан бир зум бўлса-да чалғи-тиш истағида суҳбатга тутамиз.

— Ҳар йили 9 май куни шу хиббонга келишни қанда қил-майман, — дейди Ғаллаорол тумани Қўйтош қишлоғидан келган Ботир Султонов. — Бу ерда урушда ҳалок бўлганларнинг руҳлари кезиб юргандек. Хиббоннинг сўйимлигидан, со-кинлигидан кўнглинг ором ола-ди. Бу йил набирамни ҳам олиб келдим. Вақти келиб оқ-қора-ни таниганда тинчликнинг на-

Нодир Жўрақуев, УЗМУ аспиранти: — Кексаларнинг айтиши-ча, хотира ва қадрлаш ҳаёти-ми мезонидир. Уша даҳшат-ли урушнинг орғиқлари юр-тимиздаги бирон-бир хона-донни четлаб ўтгани йўқ. Бу орғиқ жайғарғушасидан умр-бод айрилган оналарнинг интизор кўзларида, отасидан эрта ажраган болакайлар-нинг нигоҳларида қотиб қол-ган. Эл-юрт осойишталиги учун азиз жонини фидо қил-ганларни хотирлаш эса ин-

# ЎЗБЕКИСТОН:



Ёшлар орзу билан, кексалар эса хотира билан яшайди. Одамни ортда қолган ҳаёт йўлига назар ташлагга, шодликдан қувониб, армондан ҳикмат излаб яшашга имкон берадиган муқаддас хотирадан нур мисол инажак шуълалар ҳар биримизни уйғоликка чорлайди.

— Касаба уюшмаси тизимида ўз ишининг ҳақиқий билимдони, ташкилотчи ва ҳар томонлама ибрат олса арзийдиган етук инсонлар меҳнат қилган, — дейди Федерация кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудри Валижон Кочкаров. — Элёр Ёқубов, Зоир Қодиров, Герст Қурбанов сингари фидойилар одамларга яхшилик қилишни виждон амри деб билишарди. Афсуски, улар айна иқтисодий эркин намоён бўлаётган ёшда ҳаётдан кўз юмишди.

## Ўтмишдан

### инган нур

#### ЧЕХРАСИ ҲАМИША ОЧИҚ ЭДИ

...Ушанда хизмат сафаридан қайтаркан, Зоир Қодиров ҳали қиладиган ишлари, бажариши лозим бўлган бурчлари кўпчилигини ўйларди. Аммо шафқатсиз ўлим уни орамиздан олиб кетди. Сафарга кетаётганда оқ йўл тилаб қолган дўстлари совуқ хабарни эшитиб, ҳайратдан ёқа ушлашди.

Зоир Қодиров касаба уюшмаси тизимидаги қарийб йигирма беш йиллик фаолияти давомида одамларга яхшилик қилиб, бундан ҳаммадан кўп ўзи завқ олиб меҳнат қилди. Гўё касаба уюшмасидан бошқа ташвиши йўқдек маърифат аҳли манфаатлари учун тинмай олиб-югурди: Олий Кенгашининг (Олий Мажлис) Омбудсман хузуридаги комиссияси аъзоси сифатида қонуний ҳақ-хуқуқлари поймол этилган фуқароларнинг муносабатларини ўрганиб, тегишли ташкилотлар билан музокара олиб бориб, адолат тикланмагунча тиниб-тинчимас эди.

У меҳнат фаолиятини пойабзал фабрикасида оддий ишчилардан бошлагани боис ишчи-ходимлар ҳаётини яхши билар, керак пайда улардан ёрдами аямасди. Зоир Қодиров, айниқса, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашига раислик қилган беш йиллик фаолияти даврида йўли эзгуликка туташ маърифат аҳли манфаатларининг ҳақиқий ҳимоячиси сифатида элга танилди. Хусусан, тармоқ келишувлари ва жамоа шартномаларида кўзда тутилган бандларнинг бажарилишини таъминлашда беҳисл ташкилотчилик кўрсатди. Халқаро касаба уюшмалари билан ҳамкорликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшди.

— Ҳаётда кўп одамлар билан учрашиб, мулоқотда бўламиз. Аммо кўнгилга яқин, қалбидан бир умр юри олиб қоладиганлари жуда кам. Зоир Эсонович ана шундай дилқас, кўнгли очик инсон эди, — дейди тармоқ Марказий кенгаши бўлими мудри Махмуд Муразаева. — У киши муаммоларни ҳал этишда принципал ёндошар, бизларда ҳам ана шундай фаилатларни шакллантиришга ҳаракат қиларди. Ҳар гал Зоир ака билан учрашиб қолганимда «Яхшиликни чеҳра-



#### ОДАМЛАР УЧУН ЯШАГАН ОДАМ

Бир гал хизмат сафаридан Герст Қурбановни фабрика ишчилари учун жамоа шартномасида кўрсатилган кўшимча таътил ва сўт маҳсулотлари берилмаганлиги учун кўйиниб юрганида учратиб қолдим. Аввалига бунчалик кўйиниб сабабини тушуна олмадим. Чунки бундай ҳолат деярли кўпчилик корхоналарда учради. Кейин билсам, бу фабрикадаги ҳужжатларда берилмаган сўт маҳсулотлари берилган, деб қайд этилган экан. Ушанда бу фидойи инсон ишчилар манфаати учун қанчалик олиб-югуриб, масалани адолатли ҳал этганди. Мухбирлигимга бориб ундан кўйинчилик сабабини сўраганимда, жилмайиб шундай деганди:

— Касаба уюшмаси аъзоларининг ҳар бири ҳимоясида бўлиши табиий ҳол. Чунки, битта оиламиз. Уларнинг қонуний ҳақ-хуқуқларини аъзо бўлишган. Ҳукумат эса уларнинг манфаатларини қонун йўли билан ҳимоялаб қўйган. Айрим мутасаддиларнинг эътиборсизлиги, ўз ишига совуққон муносабати туфайли ишчиларнинг қонуний манфаатлари бузилади. Уни назорат қилиш эса касаба уюшмаларининг вазифаси. Зеро, қонуний ҳуқуқи бузилган оддий ишчининг манфаатлари бизга ҳам дахлдордир.

Герст Қурбанов ўзига хос таҳлил устаси эди. Фақтлар ва воқеаларни киёслаб, хато-камчиликларни аниқ илғаб олардики, қойил қолмай илож йўқ эди. **Амина ҚОДИРОВА,** «Ishonch» мухбири



## Ободлик кўнгиладан бошланади

Пойтахтимизнинг бугунги гўзал қиёфаси шаклланишида фидойи юртдошимиз Озод Хидировнинг ҳам ўзига хос ҳиссаси бор.

— Озод ака юрак хуружига учраб, бетоб бўлиб қолганини эшитганимизда, барибир у киши яна тузалиб сафимизга қайтади деган умидда эдик. Бироқ бу дард уни бутунлай орамиздан олиб кетиши барчамизни қайғуга солди, — дейди Тошкент шаҳар ободонлаштириш бош бошқармаси бирлашган касаба уюшма кўмитаси раиси Дилфуза Мирзаалимова.

1968 йилдан 2004 йилга қадар у қанчадан-қанча бунёдкорлик ишларига бош-қош бўлмади дейсиз. Ишга ва билимга бирдай чанқок инсон эмасми, олий маълумотга эга бўла туриб, 1979 — 1984-йиллари Тошкент автомобил-йўллар институтида тахсил олади.

Озод ака қаерда ишлашдан қатъи назар ишбилармонлик, ташкилотчилик қобилиятини намоён этарди. 1976 — 1984-йилларда Тошкент шаҳар ободонлаштириш ишлаб чиқариш комбинати раҳбарлик қилди. Бу даврда қолақ ташкилотчи фақат бош бошқарма миқёсда эмас, балки шаҳар касаба уюшмаси доирасида ҳам энг илғор жамоалардан

бирига айланганди. 1984 йилда уни ободонлаштириш бош бошқармаси директорининг муовини, 1986 йили эса 1-суғориш иншоотларини таъмирлаш-қурилиш бошқармасига бошлик этиб тайинлашди. Озод ака доимо атрофдагилар, ҳамкасбларининг ишдаги, ҳатто шахсий ҳаётидаги муаммоларига ҳам бефарқ қарамасди. Ҳеч кимдан ёрдами аямасди. Шу боис барчанинг хурматини қозонганди. Меҳнатсеварлиги, ғамхўрлигини инобатга олиб, ҳамкасблари 1989 йилда уни шаҳар ободонлаштириш бош бошқармаси бирлашган касаба уюшма кўмитасига раис этиб сайлашди.

Касаба уюшма етакчиси сифатида у тизим ходимларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ибратли ишларни амалга оширди.

— Мен йигирма йилдан зиёдроқ Озод ака билан бирга ишлаганман, — дейди Яқкасарой туман ободонлаштириш бошқармаси касаба уюшма кўмитаси раиси Мухаррам Усмонова. — Баъзан иш берувчи билан тушуновчилик вужудга келганда Озод акадан маслаҳат

сўрардик. У киши дарҳол етиб келиб, ҳар қандай масалани одилона ҳал қилиб кетарди.

— Ободонлаштириш тизимида кўкаламзорлаштириш, йўл ишчилари, фаррошларга махсус кийим-кечак, дам олиш, кийим алмаштириш хоналарининг ташкил этилиши Озод Хидировнинг ташаббускорлиги маҳсули, — дейди Юнусобод туман ободонлаштириш бошқармаси касаба уюшма кўмитаси раиси Эътибор Аҳмедова.

Мирзо Улуғбек туман ободонлаштириш бошқармаси касаба уюшма кўмитаси раиси Қундуз Юсупова ҳамкасбини шундай ёдга олади:

— Озод аканинг яна бир хислати шуки, у киши доим барча бошланғич касаба уюшма раислари, фаолларини йиғиб, театр, маданият масканларига олиб боради. Бундай тадбирларда ҳамкасблар янада иноқлашарди, бир-бирига меҳри ортарди.

Озод Хидиров ҳақида ҳамкасблари, рафиқаси фикрларини эшитиб, у киши ҳамон уларнинг хотирасида яшаётганини англадик. Бу ҳам бир саодат.

**Дилором АЛЛАҚУЛОВА,** «Ishonch» мухбири



### Ҳаёт... Уни ким севмайди дейсиз. Одамзод ҳаётда ўзи яшаб турган жамиятга, ватанга хизмат қилиб, ўзидан ўчмас из қолдиришга ҳаракат қилади.

Геология-минерология фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги давлат мукофоти соҳибдори Ҳосил Боймухамедов шундай инсонлардан бири.

Ҳосилжон ефтингидан тоғнинг мафтункор манзараларини турли янгилик тошлар ошиғи бўлди. Урта Осий индустриал институтини тугатган, 1944 йилда аспирантурага кирди. 1948 йилда машҳур геолог, профессор А.Королёв раҳбарлигида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Ҳосил Нурматович назарияни амалиётга боғлаб олиб борган олим сифатида Ўзбекистоннинг гарбий ҳудудларида эндоген конлари мавжудлигини аниқла-

ди. 1960 йили ҳимоя қилган докторлик диссертациясини Х.Абдуллаев, В.Обучев, В.Смирнов, А.Королёвлар юқори баҳолашди.

У Тянь-Шань, Чо-тқол-Курама, Нурота каби ўнлаб тоғ тизмалари, шунингдек, Қизилқум саҳроларини кезиб, магматизми ноидир металл конларни очиб, геология-минералогия илмига муносиб ҳисса қўшган олим даражасига кўтарилди.

Олимнинг 250 дан зиёд илмий-оммабоп рисоалари, ўнлаб дарслик ва қўлланмаларидан ёш геологлар ҳамон баҳраманд бўлишмоқда.

**Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ**

### Мангуликка дахлдор инсон

### Қишлоғимиз фахри



Қишлоғимизда иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Урозали Пирманов истикомат қилади. Бобонинг қишлоқ ўртасида жойлашган ҳовлисида мевали дарахтлар кўп бўлиб, болалигимизда яшринча ўғирликка тушардик. Бизнинг шўхлигимизга у киши ҳеч қачон дағал муомала билан жавоб қайтармаган.

Ҳар қуни мактабдан қайтаётиб бобонинг ҳовлиси оқсидига ҳовуз бўйида ёғочдан милтиқ ясаб, уруш-уруш ўйнардик. Шундай кунларнинг бирида Урозали бобо келиб қолиб, ҳаммамизни қаттиқ койди. Биз ҳафза бўлиб, воқзални уйдигиларга айтганимизда, ҳовздан кўпчилик сув ичади, у ерга ҳар хил нарсаларни отган бўлсаларинг керак ёки биронтангни сувга тушиб кетади деб ўйлаган, деган танбехни эшитдик. Шушу, у ерга қайтиб бормадик.

Орадан бир ойма ўтиб, яна шу томонга йўлимиз тушганда, Урозали бобони учратиб қолдик. Салом бериб ўтиб кетаётгандик, бизларни чақирди. Бориб ҳовузга ҳеч нарса отмаганимизни айтиб, астойдил кечирим сўрадик. Шунда бобо ҳар биримиз билан қўришиб, бизни бунинг учун қоймаганини айтди. Бироз жим қолган, ўз бошидан ўтказган уруш даҳшатларини сўзлай кетди... Урозали бобонинг гапларини тинглар эканмиз, уруш биз фақат киноларда кўргандек бўлмаганини, умуман, бошқа, ҳеч нарса билан таққослаб бўлмайдиган, дундаги энг ёмон нарса эканлигига амин бўлдик.

Шундан бери Урозали бобога хурматимиз янада ортиб, қишлоғимиздан мана шундай жасур кишилар етишиб чиқганини фахр билан айтиб юрамиз.

**Мухаммад АБДУСАМАДОВ,** Булунгур тумани Нейзмат қишлоғи, Мустақиллик тенгдоши

## ЖАНГТОҲЛАРДА ТУФИЛГАН ОРЗУ

Тиш-тирноғича қуролланган душман осуда юрт тупроғига бостириб кирганди. Унга қарши курашиш учун Кармана туманидан йўлга чиққан олтимишга яқин ёшлар орасида эндигина ўн олти ёшга қадам қўйган Ахтам ҳам бор эди.

Саноқли кунлар тайёргарлик билан машғул бўлган доворак ўғлонларимиз Ленинград ва Москва оралигидаги Волхов фронтда жанг қила бошлашди. Ер ва қўқдан ёғилаётган ўқ одам танламас эди. Улардан бири Ахтам Ҳотамовнинг бошига тегиб, ҳусисиз ҳолда ер қучиб қолишига сабаб бўлди. Ҳарбий госпиталда 26 кун даволаниб оёққа тургач, яна жанггоҳга етиб борди. Кўшинларимиз Волхов фронтдаги 90 кунлик мудофаа жангидега устунликка эришгач, Курск-Волгоград ёни сари хужум бошлади. Жангларда иккинчи бор қўлидан қаттиқ яраланган Ахтам Ҳотамов яна 6 ой госпиталда азият чекишига тўғри келди. Ниҳоят, 1944 йили мажрўх қўл билан она юрти Карманга қайтиб келди.

Уша оловли йилларда фронт ортида ҳам иш қизгани эди. Бироз муддат ўқитувчилик қилган Ахтам Бухоро педагогика институтининг Кармана туманида очил-

ган филиалида малакасини оширди. 1947 йилдан эса Самарқан-ддаги университетнинг филология факультетига кириб ўқий бошлади.

Ахтам Ҳотамов қаерда, қайси вазифада ишламасин, ижод иштироки кўнглини тарқ этгани йўқ. 1957 йили туман газетаси «Пахта азамати» номи билан чоп этилиб, Ахтам Ҳотамов унинг муҳаррири бўлди. Кейин яна қатор масъулиятли вазифаларда ишлади. Пенсияга чиқиб арафасида Ахтам ака «Фарҳод» маҳалла фуқаролар йиғини раислигига сайланди, 8 йил элдешларига оқсоқоллик қилди.

— Жанггоҳда, уйқусиз туналари инсоннинг кўнгиладан нималар кечмайди дейсиз? — дейди собиқ жангчи. — Кўп тенгқурларимизнинг жасади бегона юртларда қолиб кетди. Шунинг учун саҳар-



**Мансур АЛОВУДИНОВ,** «Ishonch» мухбири

### Фидойи ва заҳматқаш

қуни арафасида онахоннинг номини яна бир бор ёдга олиш мақсадида ўтказилган тадбир ҳамда бошланғич касаба уюшма ташкилотчи раислари спартакиадаси қизгин тус олди.

Кечада Хива туман ҳокими ўринбосари О. Абдуллаева, туман халқ таълими бўлими мудираси О. Қурбанова, Амбаржон онанинг шогирдлари, фарзандлари сўзга чиқиб, у кишининг кўпчилиги ибрат бўлган ҳаёт йўлини яна бир қарра ёдга олишди.

Амбаржон Матчинова хотира спартакиадасида бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раислари шахмат, шашка, ядро улоқтириш, тош кўтариш, 60 метрга югуриш каби спорт турлари бўйича беллашдилар. Фолиблар бирлашган касаба уюшма кўмитасининг фахрий ёрлик ҳамда қимматбахр совғалари билан тақдирланди.

**Момоюн ЮСУПОВА,** Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Хива туман бирлашган кўмитаси раиси

# Хотирани авайлаб, қаар топаётганлар ватани



## Ишлар сабоғи

— У даврларни, гарчи ёш бола бўлсам-да, элас-элас эсламан, — дея гап бошларди Ҳайит бобом. — Айниқса, уруш деган бир балои азим барчанинг юрагини безиллатиб қўйганди. Одамлар кеча-кундуз тиним билмай ишлар, толган-тутганини фронтга жўнатарди. Фронт ортидаги аҳволга қараб, фронтдаги шароитни англаш қийин эмасди...

Шу ерда бобомнинг гапи узилди. Узоқларга тикилганча, олис хотираларни жонлантirmoқчи бўлгандек жим бўлиб қолди.

...Аслида ҳаётга чуқурроқ назар ташласак, хотирасиз яшаб бўлмаслигини, усиз келажак йўқлигини англагандек бўламиз. Бугун ҳам барчамиз ватанини химоя қилиш учун уруш майдонида қўксини қалқон этган юртдошларимизнинг муқаддас хотираси олдида бош эгамиз. Айниқса, Президентимизнинг яқинда эълон қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармони кекса авлодга кўрсатилаётган эҳтирмнинг ёрқин намунаси сифатида баҳолаш мумкин.

Уша дахшатли уруш фожияларининг гувоҳи бўлган ҳамда истиклол орусиди жонини фидо этган боболаримизнинг мангу ёдини сақлаётган Хотира ёки Шаҳидлар хиббонига борганда ҳамюртларимиз номлари акс эттирилган зарҳал битикларга термулиб, бу гўшада ўтганларнинг руҳи кезаётгандек сергак тортасиз. Бу ерда кети узилмаётган зиёратчилар инсон тирикчилигида қадрига етиш лозимлигини ва умрининг ганимат эканлигини англайдилар...

Хар йили Хотира ва қадрлаш куни қишлоғимизга бир нотаниш амаки меҳмон бўлиб келиб, отанининг қабрини узоқ сукут ичра зиёрат қиларди. Бир сафар кизиқимчи устун келиб, бу оdatининг сабабини сўрадим. Шунда амаки менга армон тўла нигоҳлари билан мулоим боққанча шундай деди:

— Болам, тириклик ганимат экан, аммо бу ҳақиқатни англаб етганимда кеч бўлганди. Отанин устуним деб билардим ва у ҳеч қачон бизни ташлаб кетмайдиган деган ишонч билан яшардим. Олис шаҳарда ўқиб юрган кезларимда ҳам отам юборган пулларга яло қилиб, йилда бир келсам-да, ёр-дўстларим билан овора бўлиб юрардим. У киши ҳар гал мени бағрига босганча кўзларимга узок вақт термулиб қоларди. Ушанда отанинг кўзларидаги дардини ўқиб олганимдан афсус-даман. Ҳа, иш дея ўзим билан андармон бўлиб юрган кезларимда отанинг вафотини эшитиб, қарахт бўлиб қолдим. Бугун лоқал қабри бошда тиловат қилмоқ насиб этди...

Амакининг гаплари мени сергак тортирди. Биз-чи, оталаримиз олдидаги қарзимизни уза олаемизми? Онамизнинг дардига малҳам бўлишга қодирми? Ҳозирда ортиб, боболаримизга совға-салом беришга имкон топаемизми? Фарзандларимизга илинган меҳрининг ҳеч бўлмаганда бир улушини уларга ҳам сарфлаш кераклигини, бунга бурчли эканлигимизни англаемизми?

Йиллар ўтиб амаки оламдан ўтди. Васиятига кўра уни ҳам қишлоғимизга дафн этдилар. Аммо амакининг ўли амал қўзини боғладими, отаси қабрини бирор марта бўлсин йўқлаб келмади. Эҳтимол, падари унинг шуурига дунёнинг омонатлигини сингдириб беролмагандир... Кеч бўлса-да, хотира деган туйғунинг моҳиятини англаб етган инсонни ҳеч унутмайман. Қачон қишлоғимиздаги қабристонга борсам, албатта, ўша амакининг қабрини зиёрат қиламан. Шундай лаҳзаларда тириклар қадрига ета олмаётган кишилар ҳақидаги ўй-вужумини исканжага олаверарди...

Бир танишим бўларди. Давраларнинг гули, суҳбатлашсангиз ярайсиз. Бир куни йўқлаб борсам, онасиникида экан. Азбаройи шошиб турганимдан онасининг уйига йўл олдим. Ховлида бақир-чақир, аёл қишининг ўқсиб-ўқсиб йиғлагани эшитилар эди. — Она, менга нима яхшилик қилибсизки, ташвишингизни қилай?! — дерди ўғил бақирган-




ча. — Фақат бошқаларни ўйлаб-вериб умрим ўтиб кетаяпти. Энди ўзим учун яшамоқчиман... Қизларингизни эрга бермаганимда шу вақтгача машина олган бўлардим.

Она оғир хўрсиниб фарзандига боқди. — Болам, илоё умринг узун бўлсин. Хасратингни кўрмайин, тобутқашим бўл. Отанг кўрмаган рўшноликларни сен кўр, аммо бир нарса доим ёдингда бўлсин, ёруғ олам билан видолашганимда мен учун қайғуриб йиғлама, ўзингни бошқаларга қулғу қилма...

Дарвозадан ичкарига киришга юрагим белламади. Ахир шу одам эмасмиди кечагина катта-катта давраларда оналар қадри ҳақида куюнчи сўзлаган? Шу воқеа сабаб бўлиб, ўша танишимдан ўзимни тортидим.

Қадрлаган киши қадр топади, дейишди. Аслида, ҳам тирикликни ганимат билиб, тирикларни йўқлаб туриш улў фазилат. Узок

сафардан қайтганимизда саломатлигимизнинг қадрига етмай-миз. Ҳа, доим ҳам ота-онамиз, яқинларимиз, дўст-биродарларимиз ёнимизда бўлганда ҳар доим ҳам уларнинг ганимат эканликларини ҳис қилмаймиз. Энг ёмони — уларни қадрлаш кераклигини доим ҳис қилиб юраремиз. Даржақат, ин-



сон аввало, тирикчилигида қадрланмоғи лозим. Айнан шунинг учун орамизда соғ-саломат, бардам яшайётган уруш қатнашчиларини эъзозлашнинг эрта-кечи бўлмаслигини унутмаслигимиз керак...

— Ушанда кичик бўлсам-да катталарга қўмақлашишга ҳаракат қилардим, — дея гапини давом эттирди бобом. — Фарзанд доғида дили вайрон оналарнинг муғли нигоҳларини қўриб, пана-панада йиғлаб олардим... Бир бурда нонга қанот қилиб, умиддорлик билан ғалабага ишонган ва қон кечи юрт тивчилигини асраб қолган одамлар... Ҳа, улар хотирасини ёд этиб, қадрлаш керак мумкин эмас.

Акмал ТОШЕВ

**Кариси бор унинг париси бор дейишади. Фахрийлар бор корхона-чи?! Албатта, фойз-ли бўлади.**



### Корхона фахри

«Алгоритм» очик акциядорлик жамияти қасаба уюшма қўмитаси фаолияти ҳақида мақола тайёрлаш учун корхонага борганимда қўмита мажлиси бўлаётган экан. У тугача, қасабақўм йўлчибой Раҳимжонов менга юздан нур ёғилиб турган отахонни таништирди.

— Бу киши Павел Костенко бўлади, 82 ёшда. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, корхонанинг фахрийлар кенгаши раиси. Урушдан кейин корхонага ишга кириб, меҳнати билан хурмат қозонган инсон. Кези келганда корхонамизда Павел ака каби ўн беш нафар уруш қатнашчиси ишлаганини алоҳида таъкидламоқчиман. Отахонлар «Алгоритм»даги барча тadbирларга ташриф буюради. Улар билан фахрланамиз. Шундан сўнг Павел Костенконинг ҳам дил сўзларини ёзиб олдим.

«Алгоритм» нафақат Ўзбекистонда, балки собиқ СССР миқёсида энг катта заводлардан ҳисобланади, — дея сўз бошлади отахон. — Қуролдош дўстларим билан шу ерда ишладик, оиламизни боқдик. Ҳозир ҳам корхона раҳбарияти ва қасаба уюшма қўмитаси бизга катта эътибор қаратади. Байрамларда совға-салом беришади, уйимизга бориб хабар олишади. Оила аъзоларимиз билан йилда бир марта «Семурғ» оромгоҳида дам оламиз. Шундай тинч ва фаровон кунларга етказганига шукр. Яқини жамоада ишладик, давлат гамбурчилигини доимо сезиб тураемиз. Шунинг учун дуодамиз. Тинччилигимизга кўз тегмасин!

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

**Қашқадарлик Ҳабиб Файзуллаев иккинчи жаҳон уруши жангоҳларида жасорат кўрсатган. Душманлар қўлига асир тушиб, буюқ татар шоири Мусо Жалил билан оғир кунларни бошидан кечирган.**

### «Сабр билан енгдим ўлимни»

Отахон ижодкор эди. Яқинда «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими ташаббуси билан Қарши тиббиёт коллежида уруш ва меҳнат фахрийси Ҳабиб Файзуллаевнинг хотира кечаси ҳамда «Сабр билан енгдим ўлимни» деб номланган китобининг тақдироти бўлиб ўтди. Кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида ўтган тадбирда сўзга чиққан «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси Я.Иноят, қасаба уюшма ташкилоти вилоят бирлашмаси раиси Э.Ражабов, Қарши шаҳар ҳокими Ш.Турсунов, Чоғар маҳалла фуқаролар йиғини раиси Н.Мустафоқуллов уруш ва меҳнат фахрийсининг эзгу ишлари ҳақида тўққизлаб гапирди.

— Ҳаётнинг барча синовларини бошдан ўтказган, кўп йиллар давомида маҳалла фуқаролар йиғини раиси сифатида фаолият кўрсатган отанинг хотирасини эъзозлашларга минг раҳмат, — дейишди нуронийнинг қизлари Мавлада ва Умида Файзуллаевлар. Унинг ёзиб қолдирган хотираларни Ватанини севиш, тинчлик ва осейишталикни мустаҳкамлаш, мустақилликни қадрлашга чорлайди.

Иззат ҲИҚМАТОВ, «Ishonch» мухбири

### Пири бадавлат отахон

Марғилон шаҳридаги «Иқбол» маҳалласида яшовчи II жаҳон уруши фахрийси 1-гурух ногирони Мўсинжон ота Юсупов бу йил ўзининг бир олтинчи баҳорини қарши олди. Ун беш ёшида меҳнат фаолиятини бошлаган табаррук отахон собиқ Тельман номи артеда, маҳаллий санавтот комбинатда эллик йилга яқин меҳнат қилди. 1941 йили урушга отланди. У Смоленск ва Украина шаҳарларида душман билан бўлган оғир жангларда қатнашди, 4 марта оёғидан, бошидан шикастланиб тўрт ой давомида Москва яқинидаги госпиталда даволанди.

Ҳалабини Берлинда қўлиб олиб, 1946 йилда она шаҳри Марғилонга соғ-саломат қайтиб келди. Урушдан қайтган, ўғилхондек қаҳқон, ширинсўз, меҳнатқаш қиз билан оила қўриб, 6 нафар фарзандни тарбиялади. Бугун отахон 19 неварга, 23 чеваранинг сеvimли бобоюниси бўлиб кексалик таштини сурмоқда.

Пири бадавлат бу табаррук отахонни йўқлаб, маҳалла фуқаролар йиғини раиси Баҳодир Хайдаров билан бирга шаҳар марказидаги мўъжизона хровлига кириб бoрганимизда, Мўсинжон отанинг тетик ва бардамлигига ҳавасим келди. Қани энди ҳаммага шундай чиройли қариш насиб этса, юзларидан нур ёғилиб турса.

Муҳаммаджон МАХМУДОВ, Марғилон шаҳри

### Юртнинг мард ўғлини

Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, қисқа муддат яшаса-да, хотираси қалбларда абадул-абад яшайди.

Умиджон Отабоев ҳам жуда қисқа умр кўрди, аммо ўзига ўнамс хайкал ўрнатиб қетди. Умиджон 1986 йил Бобўт туманидаги «Дўстлик» маҳалласида туғилиб, воёга етди. Қишлоқдаги 23-мактабни тамомлагач, Гулистон компютер ва ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежида таҳсил олди. 2005-2006 йиллари йигитлик бурчини шараф билан адо этди. Умиджонда Қуролан кўзларимиз сафида хизмат қилишга кучли ҳавас уйғонди. Шу боис, шартнома асосида ҳарбий хизматни давом эттирди. Умиджон Отабоев Фарғона вилоятининг Кувасой шаҳридаги чегара қўшинлари таркибидидаги ҳарбий қисмда хизмат қилган кезларида мард, жасур, фидойи юрт ўғли сифатида назарга тушиб, кичик командир даражасига кўтарилди.

У жанговор хизмат вафасини бажарши чоғида давлат чегарасини бузаётган нопоқ кимсалар билан курашиб, товар-моддий бойликларининг ҳудудини равишда юртимиз қонунидан чиқиб кетишининг олдини олишда ўз бурчинини виждонан бажарди. Умиджоннинг жанговор хизматлари муносиб тақдирланди. 2008 йилнинг 30 сентябрида ёш ўспирин яна давлат чегарасини ноқонуний равишда бузиб ўтаётган ғаламис кимсалар билан тўқнашди. Ушбу тўқнашувда Умиджон қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Аммо Ватан сарҳадининг бузилишига йўл қўймади.

«Дўстлик» қишлоқ фуқаролари йиғини қарорига асосан У.Отабоев яшаган маҳалла кўчаларидан бири энди унинг номи билан аталади. 23-мактабда эса Умиджон Отабоев бурчаги ташкил этилди. Бобўт туманида жасур ўғлон номи абадийлаштириш мақсадида бир неча спорт турлари бўйича хотира турнирлари ўтказилиши режалаштирилди.

Анорбой НОРКУЛОВ, «Ishonch»нинг жамоатчи мухбири



**Мадаминжон Аҳмедов Фарғона водийсининг Чимён қишлоғида туғилиб, шу жойларга меҳр қўйиб улғайди. Лангар қишлоғида темирйўлчиларнинг «Чимён» сиҳатгоҳига раҳбар бўлиб 25 йилдан ортиқ ишлади. У ажойиб шифокор бўлиш билан бирга, дардқаш ҳамсуҳбат ва маслаҳатчи инсон эди.**

Мадаминжон аканинг яқини бир одати бор эди: сиҳатгоҳга тонгда келиб, худуд тозалигига алоҳида эътибор берар, кейин янги келганлар билан суҳбат ўтказар ва Чимён ҳақида, бу ернинг ажойиб ҳавоси, маъданли сувининг давоси тўғрисида берилиб сўзларди. Чимён замини нефт захираларига бой. Нефт қазиб олинган қудуқлар ўрнида олтингугуртли маъданли сув ҳосил бўлади. Шунинг учун 1948 йилда Чимёндаги нефтчилар шаҳарчасида шифохона очилди.

Кўкун тиббиёт билим юртини битириб келган ёш Мадаминжон маъданли сув хусусиятларини хар томонлама ўрганишга киришди. Кейинчалик Самарқанд тиббиёт олийгоҳида ўқиб юрганида ҳам бу ишларни давом эттирди. 1965 йилда бу ерга даволанишга келган ўша вақтдаги темирйўл бошқармаси раҳбари Азиз Қодиров билан танишиб қолиши унинг ҳаётида ҳам, «Чимён» сиҳатгоҳи тарихи учун ҳам катта воқеа бўлди. Узаро суҳбатларда бу ерда темирйўлчилар учун сиҳатгоҳ қуриши гоёси пишиб етилди. Азиз Қодировнинг сайёҳаракатлари билан 1974 йилнинг 17 сентябрида темирйўлчилар учун 60 ўринли пансионат ишга туширилди. Унга тажрибали шифокор Мадаминжон Аҳмедов бош

## САХОВАТГА ЙЎҒРИЛГАН УМР

ҳаким этиб тайинланди. Бугун ушбу пансионат 200 ўринли сиҳатгоҳга айланган. М.Аҳмедов иш жараёнида моҳир шифокор эканлигидан ташқари ташкилотчилик қобилиятини ҳам намойён этди. Темирйўл раҳбарияти қўмағида 30 ўринли турар-жой биноси, кутубхона, чойхона, дам олиш масканлари, спорт мажмуаси, 100 ўринли ётоқхона бунёд этилди. Ошхона учун ресторатор биноси сотиб олинди. Кейинроқ қурилган 50 ўринли замонавий коттеж ва янги даволаниш корпуси сиҳатгоҳ кўрмига қўрқ қўшди.

Мадамин аканинг ҳамқишлоқларига хурмат баланд эди. Қишлоқдаги янги кўприк, мактаб, жоме масжиди, савдо дўконлари, чойхона қурилишида, маҳалла йўлларини асфалтлашда унинг ҳиссаси катта бўлган. Қишлоққа алоҳида электр линиясининг тортиб келиниши-

да ҳам бош-қош бўлган. — Бир куни туман марказида бўлган йиғилишда қабристонларимизнинг қаровсизлиги ҳақида ташвишли гаплар айтилди, — дея эслайди «Чимён» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Илҳом Мансуров. — Шундан сўнг, худуддаги қабристонларни ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Туманимиздаги Хазрат Хувайдо қабри тикланиб, унга 25 метрли макбара ўрнатилди ва бу жой ажойиб зиёратгоҳга айланди. Мадаминжон ака макбара учун ўз ҳисобидан 5 метрли қангли дарвоза ясашиб берди. Мадаминжон ака ҳаммиса одамлар ичидеа юрарди, уларнинг дарди билан яшар, маҳалладаги барча ишларда бош-қош бўлар эди.

Мадамин аканинг яна бир фазилати — ўзи билан қанча хайдовчи ишлаган бўлса, ҳаммасини ўқитиб, олий маълумотли қилган экан. Унинг ташаббуси билан 70 дан зиёд ҳамқишлоқлари турли олийгоҳларни битириб, соҳаси бўйича ишламоқда. Одамлар орасида «Хурмат қилсанг — иззат топсан» деган гап бор. Барчага яхшилик улашган Мадаминжон Аҳмедовнинг хотирасини эъзозлаб, маҳалладашлар у яшаб ўтган кўчага табаррук номини қўйишди.

Яқини инсонлар қилган эзгу амаллар шўъласи кўш нурулига ўхшайди, қанча-қанча кўнглиларга ёруғлик олиб қиради. Зеро, чимёшлик Мадаминжон Аҳмедовнинг эл-юртига қилган эзгу ишларини ҳам қўйлаб темирйўлчилар, ҳамқишлоқлари, Фарғона аҳли, фарзанд ва набиралари хали кўп йиллар фахр ва ифтихор туйғуларини билан эслаб қуришларига шак-шубҳа йўқ.

Аҳдам ДАМИНОВ



«Саодатманг одамман, болам!» хат келарди. Уруш бошлангач, анча муддат Исролдан мактуб келмай қўйди. Табиийки, оиласидигилар бундан қаттиқ ташвишга тушишди. 1942 йилнинг кузи эди. Бир кеча Ади бобо (Исролнинг отаси) туш кўрди. Ота-боло узоқ гаплашиб ўтиришганимиз. Атроф ёп-ёруғ, чиройли эмиш. Сахар палласи Ади бобо уйғониб кетди. Туши унги умид бағишлади. Англадики, ўғли эсон-омон жанг қилиб юрибди. Қарангки, хайрли тушдан сўнг кўп ўтмай Исролдан хат келди. Хатни жангчи йигит Севастополдан туриб ёзганди.

Исрол Адиев шиддатли жангларда қаҳрамонлик намунасини кўрсатди. Бир гал душман казармасига яққа узи тунда бориб, аввал соқилар, сўнгра 22 аскарни асирга олиб қайтди. Ана шу жасоратли йигит тўксон

беш йил умр кўрди. Отахон билан кўп хамсуҳбат бўлганман. Ҳар гал у кишидан уруш ҳақида сўраганимда шундай дерди: — Болаларим, ёмон кунларни эслашувчи бўлмаганлар, ундай қора кунларни бошқа кўрмайлик. Севастопол, Керч, Симферопол, Украина, Пошдадаги жангларда кўрганларим, бошимдан кечирганларим тил билан айтганидан гаплар эмас. Қанча дўст-

биродарларимни қўлим билан қўмганман... Тақрибсизлиги, машқлардан беҳабарлиги туйғайли ҳам кўплари бемаврид ҳазон бўлишди. Бобонинг икки ўғил, бир қизи, йигирмага яқин набираси, ўндан ортиқ эвара-ю чевараси бор.

— Бобо кўнглингизда нима армонингиз бор? — деб сўрадим бир куни. — Мен ҳам бир саодатманг одамман, болам. Худодан нимани тилаган бўлсам, барини берди. Шукр, хизматларим туйғайли кўп орден ва медаллар олдим...

Уруш кўрган, дунёнинг аччиқ сабогини бошидан кечирган бу нуруний бобо билан суҳбат қилиш мароки эди. Яқинда отахон бандаликни бажо келтирди. Таъзиясида ҳовлига одам сийма келди. Табаррук отахонни эл эъзоз билан сўнги йўлга кузатди. Халқ фидойи фарзандларини ҳаммиса эъзозлашга шунда яна бир бор амин бўлдим.

Рустам ДАВЛАТ, «Ishonch» мухбири

# Жўмард қалб соҳиби

## ШАВКАТ РАҲМОН



Жўмард қалб соҳиби матлабини, виждону эътиқодини ҳеч нарсага алишмайди. Бу йўлда умрбод курашади. Оғир синовларда билалари толиб, оёқлари мажолсизланса-да, бошқалардан мадад кутмайди. Узи жанг қилаётган майдоннинг қоида(сизликлари) адолатни четлаб ўтиб кетганидан беҳабар, ўртада мардона тураверади:

Паноҳ сўрадимми боримни ечиб,  
Узин урдимми ё бир ошикка?  
Қалтис лалзаларда оримдан кечиб,  
Кирдимми сиққонлар кирган тошикка...

Болам, жоним болам,  
Бу гўзал хурлик.  
Унутма бу хурлик таралган кунин!  
«Шу «гўзал хурлик» билан бир кунда гўё Шавкат РАҲМОН деган шоир ҳам қайта тугилади. Бу иходор юракнинг овози, сози, ҳасрат ва қувончининг тимсоли. У ҳеч кимни тақорламайди, ҳатто эслатмайди» — эътироф этади Раҳмон Кўчкор.

У кўп ҳолларда икки томчи суздай бир-бирига ўхшаш ташбеҳларда битиладиган севгини ҳам бетакорор куйлай олган:  
Муҳаббат — чиройли капалак,  
Қўрқаман шўрликни тутгани.  
Капалак кувганим ёнимда,  
Ёнимда йўқ анмо отганим.  
Муҳаббатнинг капалакка ўхшатилиши, лирик қахрамоннинг уни тута олмаётганидан эмас, тутиб олишдан қўраётгани шун қалбнинг нақадар нозик, маъсум ва беғубор эканидан далолатдир. Мутлолаа жараёнда ўзликини таниш

Агар мустақилликни қурол билан ҳимоя қилиш зарур бўлса, мен кўнгилли бўлиб жангга жўнайман... Уғлим ҳам боради... Сизлар ҳам борасизлар... Ҳамма бориши керак... Шавкат РАҲМОН

сари одимлаётганини ҳис қиласиз. Тасаввур тўқинларидан туйгуларингиз чайқалади: Гўзаллик, покликдан уялиб, Қисиниб, қимтиниб турасан. Қоп-қора деворга суяниб, Ён-ёғур ҳавлалар сурасан.

Дарҳақиқат, ўзбек шеърятда бу қадар ўқтам, эркин ва жасур овоз бетакорордир. Шавкат Раҳмон, Жалолиддин Румий айтганидек, асли каби кўринди, кўрингани каби яшади.

1996 йилнинг кузида дардан ҳолсизланиб ётган шоир йўқлаб келган дўстларига қарата шундай дейди:

— Бир туркум шеър ёздим... Фақат қоғозга туширишга кучим етмайпти... Ҳаммаси эсимда турибди... Шеърларимни оппоқ тонларга, деворларга, шифтга ёзиб қўйганман... Қизик, ҳавога ёзиб қўйилган шеър ҳам ўчиб кетмас экан...

Аслида, бу шеърлар ҳаводан юракларга сингиб, абадият саҳифасига ёзилганди. У буюк миллатнинг оддий вакили эмас, ҳақиқий шоири эди.

Холбек ЭРҒАШЕВ,  
ЎЗМУ магистранти

## Очиқ қолган кўзлар

Аскарлар йиғилди — кўзлари очик, йўқ эди кўзларин ёпадиган кўл, на тупроқ, на фурусат қўли ёполмас, ёполмас ҳаттоки босиб ўтган йўл. Шўрлик Осийдан Оврупо бўйлаб Олмон ерларига туташган йўллар, сўнгсиз тепаликлар, қора ўрмонлар абадий очилган кўзларга тўлган. Майсадай гуркираб ўсар нигоҳлар, машаққат-ла ёриб ернинг қатини, шамолда тебраниб, узатар гўё авлодларнинг ҳар бир ҳаракатини. Гиёҳлар кирмасми тушларингизга, безовта қилмасми кўзлар овози?! Мудҳиз бир сувратдир аччиқ Оврупо — тирик нигоҳларнинг буюк мазори. Товонларим қақшар босгандай гўё милён аскарларнинг очик кўзларин, жасадим кўради-агарда ётсам, шеър ёзган чоғимда кўрар қўлларим. Адашар ўлганлар кўрмайди дея инсонлик номини сотиб юрганлар, ишратни суйганлар, учқур вақтдан қўрқок кўзларини юмиб турганлар. Юлдузсиз осмондай бу чўқур кўзлар, сўнган юлдузлардай сон-саногой йўқ. Топилмас, топилмас абадулабад бу очик кўзларни ёпадиган кўл.

Шавкат РАҲМОН

11 август кунин Тошкентнинг «Пахтакор» футбол жамоаси аъзолари авиаҳалокатига ўттиз йил тўлади. Айнан ўша кунин Тошкент — Гурев — Донецк — Минск ҳамда Челябинск — Воронеж — Кишинёв йўналишида учиб бораётган икки самолётнинг тўқнашувида 178 киши бир зумда ҳалок бўлди. Улар орасида «Пахтакор»нинг 17 нафар ўғлини ҳам бор эди.

# Улар мангу яшайди

Булар: дарвозабон Сергей Покитлов; химоячилар Николай Хуликов, Равил Ағишев, Олим Аширов, Юрий Загуменник; ярим ҳимоячилар Михаил Ан, Александр Корчёнов, Владимир Макаров, Константин Баканов; ҳужумчилар Владимир Фёдоров, Виктор Чуркин; захирадаги ўйинчилар Владимир Собиров, Шухрат Эшбўтаев, Сирожиддин Бозоров; жамоа маъмури Мансур Толибжонов; шифокор Владимир Чумаков; жамоа мураббийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Идгай Тазетдинов.

Тошкентдаги Боткино қабристонини ва «Пахтакор» марказий стадионидан уларга катта ёдгорлик ўрнатилган. Пойтахтнинг Эскишаҳар қисмидаги кўчаларга эса жамоа аъзоларининг номлари берилган.

Тошкент вилоятининг Тўйтепа шаҳридаги стадион Олим Аширов, Самарқанд вилоятининг Нарпай туманидаги стадион Сирожиддин Бозоров, Навоий шаҳридаги футбол мактаби Шухрат Эшбўтаев номи билан аталади. Намангандаги марказий стадион ёнида «Пахтакор — 79» музейи ташкил этилди.

Тошкент вилоятининг футбол федерацияси Шомил Яфаров ташаббуси билан 20 йилдан буён «Ҳамюртлар хотираси» халқаро турнири ўтказиб келинади. Таъкидлаш жоизки, Шомил Яфаров ўша пайларда «Пахтакор»да тўп сурган. Бу йилги турнирда Жасур Абдураимов мураббийлигидаги «Пахтакор» футбол академияси ғолиб бўлди. Иккинчи ўрин Муборакнинг «Машъал» ва учинчи ўрин Чуст туманининг «Ниҳол» жамоасига насиб этди. Бундай хотира турнири Самарқанднинг Нарпай тумани, Сирдарё вилоятининг Янгир шаҳри, шунингдек, Навоий ва Бухоро шаҳарларида ўтказиб келинмоқда.

Маълумки, «Пахтакор — 79» таркибида бошқа республикалардан ҳам ўйинчилар бўлган. Улар тўғилиб ўсган Ашхобод, Владивосток ва Санкт-Петербург шаҳарларида, Москва вилоятида ҳам хотира турнирлари ўтказилди. Бу йил ҳам «Пахтакор» марказий стадионидан ўсмирлар ўртасида, Тошкент вилояти Бўстонлик туманида жойлашган «Алгоритм» оромгоҳида фахрийлар иштирокида халқаро турнир ташкил этилади. Уларнинг барчасига ҳалок бўлган футболчиларнинг оила аъзолари тақдир этилади.

Пахтакорчиларнинг уч нафар фарзанди ҳозирги кунда оталари ишини давом эттирмоқда: Тошкентнинг «Локомотив» жамоасида Сергей Баканов, «НБУ-Осиё»да Улугбек Аширов ҳамда Қозғистонда Олег Собиров...

Ахбор ИМОМХУҲАЕВ,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи



Архив



## Рухингиз биз билан

1999 йил 30 мартда Саримойда террорчиларга қарши курашда қурбон бўлган йиғилар хотирасига бағишланади.

Ўн йилдирки, сизга баҳор интизор,  
Ўн йилдирки, сизни кўмсар бўстонлар.  
Эй, кўксини ғаним ўқиға тутиб,  
Юртни асраб қолган шаҳид ўғлонлар.

Тошга жон бахш этган сиймонгиз бугун  
Дунёга боқади хикматли, ҳушёр.  
Пойингизда яшнар гуллар лолагун,  
Сизга қуллқ дейди, таъзимда диёр.

Жаҳонга овоза матонатингиз —  
Темур авлодига жасорат пеша.  
Эл қалбиде доим ўчмас номингиз,  
Рухингиз биз билан, дўстлар, ҳаммиса.  
Ўқтам ПОЛВОНОВ

## Баэрикена инсон

Журналистика соҳасида эндигина иш бошлаганимда бу ўрта бўйли, чехрасидан нур ёғиб турган отахонни кўриб, қаршимда қандай яхши инсон тургани ҳайлимга ҳам келмаган. Улуғ инсонлар оддийлиги билан, халқ назаридан четдаги одамлар эса киёр-ҳавоси билан ажралиб туради, дейишарди. Незматжон ота кексалик гаштини суриш ўрнига сеvimли даргоҳига келиб, шоғирдлари, ҳамкасблари ва айниқса, ёшлар билан суҳбатлашишни яхши кўрар, улардан ёрдамни аямасди. У кишининг чиройли сўзлаши, хотирасининг кучлилиги мени ҳайратда қолдирган эди. Отахон қариларга хос осуда ҳаётни, бола-чақа, набира, эваралар даврасида ҳамда чойхонада улфатлари билан ўтказадиган, ҳузур-халоватни ўйлайдиганлардан эмасди. Чорак аср мобайнида Ўзбекистон радиосининг бош режиссёри бўлган Н.Дўстжўраев сасдатни мекнатда дорди.

Улуғбек ПУЛАТОВ

## Табассули изтироби

Кўп ҳолларда ёнимиздаги инсонларга бефарқ бўлиб, уларнинг улғаяётгани, кексаяётгани ва ҳатто дунёдан ўтиб кетганидан-да беҳабар қоламиз. Ўйинлар дийдоридан бебаҳра қолганимизни эшитганида эса ич-ичимиздан бир оғриқ сезиб чиқади.

Таникли карикатурачи рассом Абдурасул Ҳақимов шундай инсонлардан эди. У 1939 йили Тошкент туманидаги Ҳасанбой қишлоғида таваллуд топган. 25 ёшида Бенков номидаги рассомчилик билим юртини тамомлаган. Матбуотда 1965-йилдан буён қатнашиб келади. Карикатуралари Россия, Руминия, Болгария, Германия каби давлатларнинг нуфузли газет ва журналларида чоп этилган. 1995 йили «Турон» кутубхонасида рассомнинг шахсий кўргазмаси ташкил этилди. Абдурасул Ҳақимов бир неча халқаро ва республика миқёсидаги кўргазмалар иштирокчиси, Ўзбекистон Бадиий Академияси аъзоси эди. Барча ўтган яхши инсонлар қатори руҳи шод бўлсин, дея газетамизнинг фаол муаллифларидан бири Абдурасул Ҳақимов ижодидан намуналар беришни лозим топдик.



# «Кўлдан келганча яхшилик қилинг...»

Тарихимизга назар ташласак, ҳаётини гаровга қўйиб яшаган фидойи инсонлар кўпчиликини ташкил этишига гувоҳ бўламиз. Шу ўринда Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Абдулла Қаҳҳор, Ҳабиб Абдуллаев каби инсонларни алоҳида тилга олиб ўтиш жоиз. Улар орасида филология фанлари доктори Ҳамид Сулаймоннинг ҳам ўз ўрни бор. Биз унинг ўғли, физика-математика фанлари номзоди Султон Сулаймонов билан суҳбатлашдик.

— Отам 1911 йили Тошкент шаҳридаги Камолон маҳалласида зиёли оиласида дунёга келган. Бобом Сулаймон Хўжаев ўз даврининг илмий инсонларидан бўлиб, республика-камиз кино санъатини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган. Момом Тўхтақон Хўжаева ҳам ўқимини бўлган. Отам ўрта мактабни тугатгач, бобом уни Москвага олиб

кетади ва кино техникумига ўқишга жўлаб қайтади. Техникумни тугатган йили Москва давлат кинематография институтини очилади ва отам у ерда Ром, Кармен каби буюк инсонлар билан бир курсда тахсил олади. Пуговкин ҳамда Эйзенштейн каби кино санъатининг билимдонлари маърузасини тинглайди. Институтни муваффақиятли тугатгач, Тошкентга қайтади ва «Ўзбекфилм»да оператор бўлиб ишлайди.

— Назаримда, Ҳамид Сулаймонда кинодан кўра адабиётга мойиллик кучли бўлган. — Мен ҳам шундай деб ўйлайман. Чунки онамининг айтишича, отам 1935 — 1937-йиллари адабиёт институтида тахсил олган, сўнг Низомий номидаги педагогика институтида дарс берган. Бир вақтнинг ўзида кечки бўлим профессори вазифини ҳам бажарган экан. Ҳабарингиз бор, уруш йиллари кўплаб россиялик зиёлилар, жумладан, адабиётшунос олим, академик Владимир Шиммарёв ҳам Тошкентга кўчиб келганди. Отам унинг кўл остида Фарб адабиёти бўйича номзодлик диссертациясини ёқлаган. Кейин Тошкент давлат университетиде ҳам дарс бера бошлаган. — Уша даврда бошқа зиёлилар қатори Ҳамид Сулаймоннинг бошида ҳам қора булутлар айланган... — 1950 йил эди. Уйимизга уч киши келиб, ҳаммаёқини алғов-далғов қилишди, ҳар бир китобни варақлаб чиқшди. Отамни олиб чиқиб кетишарди «Менда айб йўқ...» дегани ҳамон қулгоми остида жаранглайди. Суд узок чўзилди. Отама «Миллатга гуруҳ бошлиғи» деган тамга ёпиштирилиб, 25 йилга озодликдан маҳрум этилди. Мазкур гуруҳда Шайхзода, Миртемир, Шухрат, Шукрулло ҳам бор эди. Айримлари отамнинг қўлида сабоқ олишган. Ҳаммасини Сибирга сургун қилишган. Қамок муддатини Иркутск вилоятининг Тайшет посёлкасида ўташган. 1955 йили Шайхзода биринчилардан бўлиб қайтиб келди. Феврал ойида эса отамни ҳам бўшатди. У сариқ касалига чалинганлигидан тирноқларига сарғайиб кетган эди. Тахтапудига касалонада даволаниб чиқди. Лекин ҳеч ерда ишга қабул қилишма-

ди. Яхшиям бир шоғирди мактаб директори бўлиб ишларди, у отамни ўқитувчиликка ишга олди. Ниҳоят, оиламиз осмондан қора булутлар аригандек бўлди. Отам Ўзбекистон фанлар академиясининг тил ва адабиёт институтига кичик илмий ходим сифатида ишга қабул қилинди. 1964 йилда докторлик диссертациясини ёқлади. Шу йили Навоий номидаги музей-дириктор этиб тайинланди.

— Домланинг яна бир хизмати халқимизга тегишли нодир кўлэмаларни йиғиш ва уларни халққа қайтариш бўлди... — Ҳа, ўша йиллари тарихий кўлэмаларни қидириб топиш ишлари бошланганди. Кейинроқ махсус экспедиция Франция ва Англияга ҳам бориб келди. Парижда қизик бир ҳодиса бўлган. Шаҳардаги энг катта кутубхонада Ўзбек тилидаги кўлэмаларни кўриб чиқшига дастлаб рўхсат этишмайди. Ҳамид Сулаймон музей дирек-



Олим дўстлари даврасида

торининг олдига кириб, шароитни тушунтиради. Шаҳсан ўзи ҳамда аблинини Фарб адабиёти билан шуғулланишини таъкидлаб, Фозила Сулаймонованинг охириги чоп этилган китоби ҳам айнан Фарб адабиёти тарғиботида бағишланганини кистириб ўтади. Унга жавобан, директор дарҳол кўл остидагиларга айнан шу китобни топиб келишни буюради. Олиб келишгач, отамнинг гапи тасдиқланади ва Париж кутубхонасида кўлэмалар билан ишлаш учун кенг йўл очилади. Отам бизга: «Кўлдан келганча яхшилик қилинлар, ёмонликка қўл урманлар» дея насихат қиларди. Бу ўғитга амал қилиб, янглишмадик. «Ishonch» мухбири Незмат РАФИҚОВ суҳбатлашди



Архив

«Ўзбекфилм» оператори Ҳамид Сулаймон иш устида

**Ишонч НАФ КЕЛТИРИШ**  
О.К.У.Ф. F.T.U.U.  
ОЛИМ БАҚТ

**Muassis:**  
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

**Bosh muharrir:**  
Abduxoliq Abdurazzoqov

**Tahrir hay'ati:**  
Alla DOLJENKOVA,  
Anvar YUNUSOV,  
Dovud MADIYEV  
(Bosh muharrir o'rinbosari),  
Jahongir SHAROFBOYEV  
(Mas'ul kotib),  
Ma'mura ADILOVA,  
Mirzohid SODIQOV,  
Normamat ALLAYOROV,  
Nosirxon AKBAROV,  
Oysuluv NAFASOVA,  
Pirimqul QODIROV,  
Sog'indiq NIYETULLAYEV,  
Shamsi ESONBOYEV

**Bo'limlar:**  
Kasaba uyushmalari hayoti  
256-87-63  
Huquq va xalqaro hayot  
256-87-73  
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat  
256-87-74  
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport  
256-82-79  
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash  
256-85-43  
Reklama va e'lonlar  
256-03-90

**Manzilimiz:**  
100165,  
Toshkent shahri,  
«Buxoro» ko'chasi, 24-uy  
E-mail:  
ishonch-doverie@mail.ru

**Nashr ko'rsatkichi:**  
133

**Navbatchi muharrir:**  
D.Rahmonova  
Navbatchi:  
N.Maxamov  
Musahhah:  
S.Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter makzida terild va sahifalandi.  
Sahifalovchi:  
H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.  
Korxonalar manzili:  
«Buyuk Taron» ko'chasi, 41-uy.

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.  
Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.  
Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.  
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

**Tijorat materiallari**  
Bosishga topshirish vaqti - 21.00  
Topshirildi - 20.20

**Byuromta Γ — 461**

18410 nusxada bosildi

ISSN 2010-5002  
2 5 6